

**ЖАҲОНДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ
ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ТАҲДИДЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

*Юсунов А. – ФарПИ катта ўқитувчиси, PhD
Раджабова Э. – ФарПИ катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган ва жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларининг Ўзбекистон шароитида ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таҳдидлари ва уларнинг олдини олишнинг долзарблиги, муаммонинг ечимлари устида тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ёш авлод, ахборот, таҳдид, ахборот қуроли, мафкуравий иммунитет, оммавий ахборот воситалари, оммавий маданият, цивилизация

**GLOBALIZATION PROCESSES OCCURRING IN THE WORLD
THREATS TO YOUTH EDUCATION AND WAYS TO PREVENT THEM**

*Yusupov A. - FarPI Senior Lecturer, Ph.D
Radjabova E. - FarPI senior teacher*

Annotation: In the article, one of the urgent problems of the present day and the threats of the globalization processes taking place in the world to the education of young people in the conditions of Uzbekistan, as well as the relevance of their prevention, recommendations are given on the solutions to the problem.

Key words: young generation, information, threat, information weapons, ideological immunity, mass media, mass culture, civilization

1. Долзарблиги: Инсоният XX аср охири – XXI аср бошларига келиб фан-техника соҳасида жуда кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Бироқ афсус билан тан олиши лозим бўладики, бу ютуқларнинг айримлари бугунги глобаллашув шароитида инсоният меҳнатининг натижаларидан маърифий-маънавий соҳаларда зарар кўрмоқда десак муболаға бўлмайди. Хусусан, техника ютуқлари инсонларга айрим йиллар давомида шаклланиб келинган, умумжаҳон ва миллий кадриятларидан четга чиқишига замин яратди. Тасаввур этамиз: компьютер технологиялари, мобиль алоқалари кириб бормаган хонадонни бугун деярли топа олмаймиз. Бу албатта яхши. Бироқ ундан фойдаланиш, Интернет тармоғидан тўғри мақсадларда фойдаланишни барча ёшдаги инсонлар ҳам эплай олмаяпти. Чунончи, келажак авлод ёшларимиз бу борада айрим ҳолларда билиб-билмасдан жиддий хато ва камчиликларга учрамоқда. Ба ўз навбатида ахборот коммуникация

тизимлари орқали муайян бир давлат ёки бутун халқларнинг тафаккурига нисбатан ахборот хуружларини кучайишига олиб келмоқда. Ёш авлодни ахборот хуружи таҳдиддан асраш ва мафкуравий иммунитетини шакллантириш каби вазифаларни куннинг долзарб вазифалари сифатида намоён қилмоқда.

2. Тадқиқот усуллари: Мавзуни ёритишда илмий адабиётлар ва бошқа манбалардан фойдаланилди ҳамда уларларни таҳлил қилишда тарихий тадқиқот усулларининг объективлик, тарихийлик, тарихий давомийлик каби услуб ва йўналишларидан фойдаланилди.

3. Тадқиқот натижалари: Мамлакатимизда ёшларни маънавий бой, юксак ахлоқий фазилатларга монанд чуқур замонавий билим, илмий-фалсафий дунёқарашга эга бўлган комил инсон қилиб тарбиялаш энг муҳим устивор вазифалардан биридир.

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ўта шиддатли ва мураккаб даврда яшамоқдамиз. Глобаллашув номини олган ушбу феномен мутлоқ янгича маъно-мазмундаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий маконнинг шаклланиши ҳамда мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларига айланиб боришида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов таъриф берганидек: «Глобаллашув –бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир».

Глобаллашув таъсирида дунё тобора бир бутун ва яхлит бўлиб бормоқда. Мамлакатлар ва халқлар тараққиёти бир-бирини тақозо қилувчи ҳодисага айланмоқда. Информацион жамият қарор топиб, ривожланиб бориши ҳар бир ёш авлодни ўз билим доирасини кенгайтириш, замонавий ахборотлар таъсирида фаолиятнинг янги турларини эгаллашини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга эзгулик ва ёвузлик ўртасида азалдан давом этиб келаётган кураш ҳам глобаллашув таъсирида ўзига хос шакл-у шамойил касб

этаётганини таъкидлаш ўринлидир. Аини пайтда мамлакатимиз раҳбари ҳам алоҳида таъкидлаганидек, инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир пайтда арзимас бўлиб туюлган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

Глобаллашув жараёнининг муҳим ўзига хос салбий томони шундаки, у мафкуравий таъсир ўтказишнинг қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар, диний экстремистик ташкилотларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучга айланиб боришидир.

Мафкуравий таҳдидлар, хусусан, «оммавий маданият» кўринишидаги маънавий таҳдидларни ёшлар тарбиясига салбий таъсирини ҳам унутмаслигимиз керак. Маънавий таҳдид бу миллатнинг дини, эътиқодига, инсон эркига, руҳий дунёсига қаратилган мафкуравий, ғоявий ва инфор­мацион хуружларда намоён бўлади.

Бугунги кундаги турли мафкуравий марказлар четдан туриб, ёшлар онгига “мутлоқ эркинлик”, “чегарасиз эркинлик”, “эркин ахлоқ” деган сохта ғояларни сингдиришга зўр бермоқда. Бу йўлда “оммавий маданият” намуналаридан, турли ахборот технологияларидан – радио-телевидение, интернетнинг ижтимоий тармоқлари каби воситалардан маккорлик билан фойдаланмоқдалар.

“Маънавий таҳдид” хуружи мустақиллигимизга қарши кимсалар, кучлар, марказлар бизни ичдан емирмоқчи, яъни халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилиб турган асослардан асрлар мобайнида шаклланиб, ривожлантирилиб келаётган миллий, маънавий-маърифий, ахлоқий, руҳий тамойилларимиздан бегоналаштирмоқчи.

Ахборот жараёнлари глобаллашуви оқибатида бугунги кунда тобора авж олаётган ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик индивидуализм, эгоцентризм, фунда­ментализм, экстремизм ғояларини тарқатиш, бунинг ҳисобига бойлик орттириш халқлар турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик,

уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай кўймайди. Маънавий таҳдид халқларнинг миллий ўзлигини ва маданиятларини барбод қилишга қаратилгани билан хатарлидир.

Маълумки, ёшлар янгиликка нисбатан жуда таъсирчан, ҳиссиётга берилувчан бўлади. Шунинг учун ҳам бизнинг ғанимларимиз бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд бўлган айрим камчиликлардан фойдаланиб, ёшларимизни чалғитмоқчи, уларнинг қалбига, дунёқарашига таъсир ўтказмоқчи бўлаётганлигини эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Ёш авлодни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айти пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган номаъқул одатлар ҳақида очиқ сўз юритишимиз зарур.

Глобаллашув жараёни туфайли рўй бераётган мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун ёшларимизга илмий, маънавий меросни ҳар тарафлама чуқур ўргатиш орқали мафкуравий таҳдидлардан сақланишимиз мумкин.

4. Хулоса: Хулоса қилиб айтганда, ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунчалик кучли бўлади. Бу ҳозирда жамиятнинг барча соғлом фикрли қатламлари олдида кўндаланг бўлиб турган ва бугунги кундаги долзарб вазифадир. Ахборот хуружларига қарши курашда курашнинг тизимли бўлишлиги, унинг зарур ҳуқуқий базаси шакллантирилганлиги ўта муҳим. Шу боис ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган алоҳида қонун ҳужжати қабул қилиш масаласи кўриб чиқилиши керак. Шу билан бирга, бундай хуружларга қарши курашда қуйидагилар муҳим:

1. Ахборот маконини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар, аҳолининг қизиқиши юқори бўлган масалалар ҳақидаги объектив ва позитив ахборот билан доимий равишда тўлдириб бориш.
2. Фуқароларимизда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган комплекс чоралар кўрилиши керак. Хусусан ёшларимизни

тафаккур қилишга, ҳар қандай ахборотни таҳлил қилиб сўнг хулоса чиқаришга ўргатишимиз зарур.

3. Мамлакатимиз, давлат аппарати, раҳбарлар ҳақида нотўғри маълумотлар, тухмат, уйдирмалар, бузилган ахборот тарқатувчи ҳар қандай ахборот воситалари фаолиятига қонун доирасида чек қўйиш.

4. Аҳолига чет элларда туриб мамлакатимиз тўғрисида нотўғри, бир тарафлама ахборот тарқатувчи ахборот воситалари, шахсларнинг асл қиёфасини очиб берувчи ахборотни етказиш.

5. Миллий ғоя, мафкура, маънавият тушунчалари, шу жумладан фуқароларимизнинг ватанпарварлиги ахборот хуружларига қарши муҳим омиллардир. Бу йўналишда амалга ошираётган ишларимизни изчиллик билан давом эттириш.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Сулейманова Ш.С., Назарова Е.А. Информационные войны: история и современность. Учебное пособие. – М.: «Этносоциум». 2017. – 46-бет.
2. Вирен Г. Современные медиа: Приемы информационных войн. – М.: «Аспект пресс». 2013. – 126-бет.
3. Ловцов Д.А. Систематология правового регулирования информационных отношений в инфосфере. М., Рос. гос. ун-т правосудия, 2016. – 316 с.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 439-П-сонли қонуни // «Lex.uz» Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 12.12.2002. URL: <https://lex.uz/docs/52268>.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 868-сонли қарори// «Lex.uz» Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 17.10.2017. URL: <https://lex.uz/docs/3383538?ONDATE=18.10.2017%2000>.
6. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги изоҳи. ЎР ташқи ишлар вазирлиги сайти. 18.05.2020. URL: <https://mfa.uz/uz/press/news/2020/uzbekiston-respublikasi-tashqi-ishlar-vazirligi-izohi—28208>.
7. Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Т., 2017 йил 11 август, ПФ-5148-сон. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 12 август.
8. Юсупов А. Защита молодого поколения от информационных угроз и формирование идеологического иммунитета. Periodica. Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities Volume 24, November, 2023. Краков, Польша.
9. Trade and economic relations of turkestan and eastern turkestan in the second half of the sixth - early xxth centuries. (using the example of Fergana region). "Экономика и социум" №11(114) 2023. Россия.

10. Yusupov A. Socio-Economic Changes In The City Of Kokand (Late 19th Century And Early 20th Century) //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 09. – С. 14-20.
11. Azamdjon Y. The Role Of The Fergana Region In Trade And Economic Relations Of The Turkestan General-Governorate With Eastern Turkestan In The Second Half Of XIX–Early XX Centuries //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – С. 2934-2938.
12. Юсупов А. Социально-Экономические И Административно-Территориальные Изменения В Городе Коканде (Конец XIX-Начало XX Веков) //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY. – 2022. – Т. 3. – №. 10. – С. 60-68.
13. Юсупов А. XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁДА ИПАКЧИЛИК САНОАТИ ТАРИХИДАН //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2021. – №. SI-2.
14. ЮСУПОВ А. А. ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ СВЯЗИ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВА С КАШГАРОМ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX-НАЧАЛО XX ВВ.) //НАУЧНЫЙ ТАТАРСТАН Учредители: Академия наук РТ. – №. 4. – С. 5-11.
15. Юсупов А. А. ТУРКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА МАҲАЛЛИЙ САРМОЯДОРЛАР //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 32-43.
16. Рахимов И. ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ //Scientific journal of the Fergana State University. – 2019. – №. 6. – С. 10-10.